



» Хушхабар

## “Лазги” халқаро рақс фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҚАРОРИ



Мамлакатимизнинг бой рақс санъати тарихида алоҳида ўрин эгаллаган “Хоразм лазги рақси” ўзига хос ижро услуби ва жозибаси билан нафақат Ўзбекистонда, балки чет давлатларда ҳам машҳурдир. ЮНЕСКО томонидан “Хоразм лазги рақси” инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилганлиги ҳам унинг бетакрор санъат эканлигидан далолат беради.

“Хоразм лазги рақси” санъатининг асрий анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш, рақс санъати орқали халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, халқаро миқёсда ижодий ҳамкорлик қўламини ва маданий алоқаларни янада кенгайтириш мақсадида:

1. Маданият вазирлиги, Фанлар академияси ва Хоразм вилояти

хокимлигининг 2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир мартаба 25 – 30 апрель кунлари Хива шаҳрида “Лазги” халқаро рақс фестивалини (кейинги ўринларда – Фестиваль) ҳамда унинг доирасида халқаро илмий-амалий конференцияни ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Давоми 2-саҳифада »

» Муносабат

Ушбу сонда



### Инновацион ёндашув – долзарб масала

3-саҳифада »

### Озодалик қалбимизда ҳам томир ёйсин

4-саҳифада »

### Коронавирус биз билан қоладими?

5-саҳифада »

### Маданий ҳамкорликнинг янги қирралари

8-саҳифада »

## Тинчлик ва бунёдкорлик сари...



23 сентябр куни Ўзбекистон тарихида жаҳоншумул аҳамиятга эга яна бир муҳим воқеа рўй берди!

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев тарихда илк бор онлайн тарзда ўтказилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида ўзбек тилида маъруза қилди. Бу нутқни кучли сиёсатдонлар, жаҳон ҳамжамияти диққат билан тинглаб, кузатиб боришди. Бойси, давлатимиз раҳбарининг ҳар бир фикри нафақат ўзбекистонликлар, балки бутун дунё аҳлининг ҳаётий масалалари, муаммолари тўғрисида бўлди.

Давлатимиз раҳбари ҳозирги кунда барчани таҳликага солиб қўйган пандемияга қарши биргаликда курашиш зарурлиги, бунинг учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида “Пандемиялар даври-

да давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисида”ги халқаро кодексни ишлаб чиқиш таклифини билдирди. Сабаби бу глобал муаммони баргараф этиш учун яқдилликда ҳаракат қилмоқ даркор. Акс ҳолда тождор вирусни енгиш тобора қийинлашиб бораверади. Кун сайин дунё миқёсида корона-вирус билан хасталанганлар сони ортиб бориши ушбу масалага жиддий муносабатда бўлиш кераклигини кўрсатади. Бу барча учун ниҳоятда муҳимдир. Юртбошимиз ўз фикрининг исботи сифатида Ўзбекистон халқини коронавирусдан ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган қўламли ишлар ҳақида гапирди.

Жамият тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган ёшлар масаласидаги фикр ва таклифлари ҳам сессия иштирокчиларини бефарқ қолдирмади, зеро, ҳар бир мамлакат учун бу мавзу доим

долзарблича қолади. Бинобарин, Президентимизнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти конвенциясини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги таклифи ҳам барчанинг диққат-эътиборида бўлгани шубҳасиз.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари ўз нутқида дунё жамоатчилиги эътиборини барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда Парламентларнинг ролини янада ошириш масаласига ҳам қаратди. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш ҳақидаги таклифи ҳам давримизнинг мураккаб муаммоларини баргараф этишда ушбу тизимнинг ўрни алоҳида эканини кўрсатади.

Кейинги муҳим ташаббуси, таклифи

жаҳон мамлакатлари, хусусан, Ўрта Осиё давлатлари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий алоқаларни мустаҳкамлаш, ривожлантиришга қаратилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очиш ҳақида бўлди.

Маълумки, халқаро муносабатларни яхшилаш, дўстона алоқаларни ривожлантириш ҳар бир давлат учун барқарор тараққиёт мақсадларини рағбатлантирувчи муҳим омил ҳисобланади.

Шу маънода Минтақавий қўшма режанинг 10 йиллик натижалари ва келгуси истиқболларига бағишланган халқаро конференцияни ўтказиш таклифи ҳам қатнашчилар томонидан маъқуллангани табиий.

Давоми 2-саҳифада »

Донлар сузлайди...



Илм шундай нарсаки, унга ўзингни бутунлай топширмагунингча ҳеч нарса бермайди!

(Абу Юсуф)

Ўзи ҳаракат қилмаса, ҳеч ким ҳеч қачон мақсадига эриша олмайди. Биров кўрсатган ҳар қандай ёрдам ҳам сен қилган уринишларнинг ўрнини босолмайди.

Н.А.Рубакин

Кўл ювиб юрсанг, нима ейишингни биласан, Тил тийиб юрсанг, нима дейишингни биласан.

Алишер Навоий



Ташриф

**Барчаси ижодкор ёшлар учун**

25 сентябрь куни Маданият вазири Озодбек Назарбеков Тошкент вилояти Куйи Чирчиқ тумани маданият бўлимига қарашли "Беруний" ҳамда "Отажонов" маданият марказлари фаолияти билан танишди.  
Қайта таъмирдан сўнг янада чирой очган "Беруний" маданият маркази аллақачон туман аҳолисининг сеvimли масканига айланиб улгурди. Даргоҳда ёшлар учун ташкил этилган эстрада хонандалиги, хор, расмоччилик, миллий рақс каби саккизта йўналишдаги тўғрақлар фаолият олиб бормоқда. Қунига 100 – 120 нафар ёшларни қамраб олаётган мазкур марказда "Донгди" корейс миллий маркази ва унинг

музеи ҳам жойлашган.  
Ташриф чоғида О.Назарбеков бу даргоҳга янада кўпроқ ёшларни жалб этиш орқали уларнинг санъатга бўлган қизиқишларини ошириш ва маданиятни тарғиб қилишга кўпроқ эътибор қаратишни таъкидлади. Маданият вазири тумандаги "Отажонов" маданият марказига ташриф буюрганида санъатсевар ёшлар қизгин ижод жараёнида эдилар.  
– Ёшлар кўзида ижодга ташналик, санъатга меҳри кўрсам доим қувонаман. Бугун республикамизда 826 та маданият маркази фаолият олиб бораётган бўлса, уларнинг ҳар бирида мана шундай ҳақиқий истеъдод эгалари

тарбияланмоқдаки ва мен уларнинг ўзбек санъатида ўз ўрнига эга йигит-қизлар сифатида камол топишига ишонаман", – деди О.Назарбеков тўғрақ аъзолари билан суҳбатда.  
Шунингдек, Маданият вазири туманда мақом санъатини тарғиб қилиш, нафақат Бухоро, балки Тошкент, Фарғона, Хоразм йўналишларида ҳам репертуарларни бойитиш бўйича тегишли тавсияларини берди. Ва ташриф якунида Куйи Чирчиқ туманидаги "Беруний" маданият марказида Республика филармония жамоалари, "Отажонов" да эса Мақом жамоалари кўрик-танловларини ташкил этиш бўйича таклифларини илгари сурди.



Раддия



**Маданий мерос объекти вайрон қилинишига Маданият вазирлиги бефарқми?!**

Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамоат фонди раиси Амиркул Каримовнинг расмий сайтлардан бирида эълон қилинган "Маданий меросимиз вайрон қилинмоқда! – Қашқадарёдаги вандализм ҳолати ҳақида" номли мақоласи бўйича Археология тадқиқотларини назорат қилиш ва археология ашёлари давлат каталогини юритиш бўлими бошлиғи Алишер Ёркулов тегишли жойга чиқиб масалани атрофлича ўрганди ва Маданият вазирлигига қуйидагича маълумот берди.

"...Мақолада шўролар даврининг охирида қарийб 12000 деб рўйхатга олинган маданий мерос объекти ҳозирги кунда 9000 яқин қолди деб даъво қилинган.

Ўзбекистон ССР Министрлар советининг 1973 йил 21 декабрдаги "Архитектура, тарихий-бадий ва археология ёдгорликларини давлат муҳофазасига олинганлиги рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги 539-сонли қарори қабул қилинган. Унда 25000 атрофидаги ёдгорликлар рўйхати келтирилган. 2008 йилга келиб кўп йиллик тадқиқотлар, изланишлар ва рўйхатлаштириш натижасида 7550 та объект маданий мерос объекти рўйхатига киритилган.

2018 йилдаги Маданий мерос объектининг хатловдан ўтказилиши туфайли Вазирлар Маҳкамасининг "Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объекти миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги 846-сонли қарори қабул қилинган. Унга кўра ҳозирда республикамизда 8208 та маданий мерос объекти мавжуд ва бугунга келиб ҳам моддий маданий мерос объекти рўйхатини ўрганиш, аниқлаш ишлари давом этмоқда.

Мақола муаллифи ёзганидек, 30 йил ичида юзлаб тепаликлар йўқ қилинмаган. Тўғри, кўплаб моддий маданий мерос объекти зарар етказилган. Бугунги кунда бундай ҳолатларни бартараф этиш мақсадида ҳуқуқ-тарғибот органлари билан биргаликдаги ишларимиз изчил давом этмоқда. Муаллиф Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидаги Сандалтепа, Киндиктепа, Шляпатепе каби археология мероси объекти аҳолини гапириб, тупроғидан гишт қуйилаётганини тасвирлар орқали кўрсатган. Аммо бу расмлар юқоридаги объектларга мос келмаслигини мавжуд суратларни солиштириш орқали ҳам билиш мумкин. Келтирилган объектлардан "Шляпатепе" номи билан аталувчи археология объекти Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объекти миллий рўйхатида мавжуд эмас.

Айни кунларда Қашқадарё вилоятининг барча туманларида ҳуқуқ-тарғибот органлари билан бирга барча моддий маданий мерос объектининг аҳоли ўрганиб чиқилмоқда. Ушбу жараёнда нафақат Сандалтепа, Киндиктепа, балки барча моддий маданий мерос объектининг аҳоли ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишимиз мумкин".

Давоми. Боши 1-саҳифада

**“Лазги” халқаро рақс фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҚАРОРИ**

2. Куйидагилар:  
“Лазги” халқаро рақс фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий кўмита (кейинги ўринларда – Ташкилий кўмита) таркиби 1-иловага мувофиқ;

“Лазги” халқаро рақс фестивалини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Хоразм вилояти ҳокимлиги ва Маданият вазирлиги Фестивални ташкил этиш ва ўтказиш бўйича масъул органлар этиб белгилансин.

4. Маданият вазирлиги, Фанлар академияси ва Хоразм вилояти ҳокимлиги:

2021 йил 1 декабрга қадар тажрибали режиссёр, таниқли санъаткор, продюсер, композитор, шоир ва соҳанинг малакали мутахассисларини жалб этган ҳолда Фестивалнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари сценарий ва бадий дастурларини тайёрласин;

Ташки ишлар вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 февралга қадар Фестиваль ва унинг доирасида ўтказиладиган "Ўзбек миллий рақсининг жаҳон рақс санъатидаги ўрни" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда (кейинги ўринларда – илмий-амалий конференция) хорижий мамлакатлардан иштирок этадиган рақс санъати усталари, мусиқашунос ва санъатшунос олимлар, таниқли санъаткорлар, етук мутахассислар ва фахрий меҳмонлар рўйхатини шакллантирсин.

5. Ташки ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси, Хоразм вилояти ҳокимлиги Фестивални ЮНЕСКО шафелиги остида ўтказиш чораларини кўрсин.

6. Маданият вазирлиги Туризмни ривожланти-

риш давлат кўмитаси, Ўзбекистон Бадий академияси, "Ўзбеккино" миллий агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, "Хунарманд" уюшмаси ва "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси билан биргаликда:

Фестиваль доирасида Хива шаҳридаги "Ичан-қалъа" мажмуаси ҳудудида рақс санъатига оид кўргазмалар, миллий созлар ва либослар, хунармандчилик буюмлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, ҳайкалтарошлик намуналари, бадий ва ҳужжатли фильмлар, аудио ва видео дисклар, китоблар, альбомлар, фотосуратлар намойиши ҳамда уларнинг савдоси ташкил этилишини;

Фестиваль дастурини ишлаб чиқиш ва унинг Фестивалдан уч ой аввал туристик ташкилотларга тақдим этилиши, Интернет тармоғи ва ижтимоий тармоқларда жойлаштирилишини таъминласин.

7. Белгилансинки, Фестивални ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Маданият вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган смета асосида куйидаги тартибда қопланади:

70 фоизи – Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Маданият вазирлигига маданий тадбирлар учун ҳар йилги ажратиладиган маблағлар ҳисобига;

30 фоизи – Хоразм вилоятининг маҳаллий бюджети, ҳомийлик хайриялари ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига.

8. Мазкур қарорнинг ижроси куйидаги тартибда амалга оширилсин:  
Бош вазир ўринбосари, Ташкилий кўмита раиси Б.Мусаев – Фестиваль ва унинг доирасида ўтказиладиган халқаро илмий-амалий конференцияни юқори бадий ва илмий савияда ташкил

этилишини таъминласин;  
Бош вазирнинг ўринбосари – Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси раиси А.Абдуҳакимов – Фестивални туризм календарь режасига киритиш, унга хорижий сайёҳларни жалб қилиш ҳамда Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлар учун меҳмонхоналардан жойларни олдиндан банд қилиш чораларини кўрсин;

Маданият вазири О.Назарбеков – мусиқашунос ва санъатшунос олимлар, таниқли санъаткорларни жалб қилган ҳолда Фестивалнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари сценарий ҳамда бадий дастурларини юқори савияда ишлаб чиқсин;

Хоразм вилояти ҳокими Ф.Эрманов – Хива шаҳрида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилишини, Фестиваль ўтказиладиган сахна майдонлари ва залларнинг талаб даражасида тайёрлишини ҳамда "Ичан-қалъа" мажмуаси ҳудудида рақс санъатига оид кўргазмалар ташкил этилишини таъминласин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Дунё" ахборот агентлиги – Фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб борсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдуваҳитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2020 йил 28 сентябрь

Давоми. Боши 1-саҳифада

**Тинчлик ва бунёдкорлик сари...**

Ўз навбатида 2021 йилда ЮНЕСКО халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда қадимий Хива шаҳрида "Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида" мавзусида халқаро форумни ўтказиш ҳақидаги таклиф маданият соҳасига халқаро миқёсда берилаётган катта эътибор сифатида бизнинг масъулиятимизни янада кучайтирганини таъкидлаш жоиз. Айниқса, бу таклиф ва ташаббусни ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле хоним жуда илқ кутиб олгани ва қўллаб-қувватлагани, ижтимоий тармоқларда ўз фикрини билдириб, унга "ўз вақтида ўтказиладиган жуда муҳим тадбир", ёки "халқаро форум Марказий Осиёнинг умумий маданиятига чуқур кириб бориш имкониятини яратади" дея баҳолагани бу борадаги саъй-ҳаракатларга янада жўшқинлик бағишлайди. Зеро, ушбу форум орқали давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, жаҳоншумул аҳамиятга эга минтақамизнинг кўҳна ва бой маданий меросини дунё аҳли қайта кашф этади, ўз навбатида учинчи ренессанс даврининг бошланишига дахлдор муҳим тадбирлардан бири сифатида эътироф этилади. Уни талаб даражасида ўтказишда асосий жавобгарлик ҳар бир соҳа вакилининг муҳим вазифаси бўлиши керак.

Умуман олганда дунёнинг юксак минбаридан туриб Ўзбекистон халқи ва жаҳон халқларининг безавол, фаровон ҳаётини таъминлаш мақсадида

айтилган ҳар бир сўз, таклифнинг салмоғини барча сезиб, ҳис қилиб турди. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузурида афғон халқининг дарду ташвишини тинглайдиган, доимий фаолият кўрсатадиган кўмита ташкил этиш ташаббуси инсонпарварлик тамойилларининг яна бир намойиши бўлди. Афғонистон Исломи Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғанининг бу ҳақдаги самимий дил изҳори ўзаро самимий дўстлик, меҳроқибатнинг халқаро тинчликни сақлашдаги роли нечоғлик аҳамиятга эга эканини кўрсатди: "Халқимизнинг тинчлини ўғирлаган узлуксиз урушларда кўпроқ ташкил кучлар манфаатдор эканини рўй-рост айтиб, Афғонистонни Марказий Осиёнинг ажралмас қисмидир дея баралла айтган Хурматли Ўзбекистон Президентидан миннатдоримиз. Сўнгги йиллардаги бизга бўлган илқ муносабат, ўзаро ҳамкорлик алоқалари Афғонистоннинг шаънини бир мунча тиклади. Айниқса, улуг шоир Навоий тилида гапирганлари бизни жуда мамнун этди..."

Шунингдек, Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш ва ушбу муҳим ҳужжат тасдиқланган санани "Халқаро экологик тизимларнинг химоя қилиш ва тиклаш куни" сифатида нишонлаш; Қашшоқликни туғатиш ва камбағалликка

қарши курашишни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессиясида асосий мавзулардан бири сифатида белгиланган ҳамда ушбу масалаларга бағишланган глобал саммитни ўтказиш ҳақидаги таклифларнинг мазмун-моҳияти ҳам, энг аввало, инсонпарварлик тамойилларига асослангани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Ўрни келганда юртбошимиз ўзининг ҳар бир таклифини диёримизда олиб борилаётган дахлдор саъй-ҳаракатлар билан асослаб бергани, гендер тенглиги, болалар муҳофазаси, камбағалликка қарши курашиш, ижтимоий ҳимоя, бандлик масалалари бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги фикрлари Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти олдидаги нуфузи, жозибасини яна бир бор намойиш этди.

Мухтасар айтганда, "Беқарор ва вайронкор вазиятдан – тинчлик ва бунёдкорлик сари" тамойилини акс эттирган Президентимиз нутқи, аввало, биз ўзбекистонликлар учун дастуриламал бўлиши керак... Қолаверса, она тилимизда, Навоий бобомиз тилида янграган Президентимиз маърузаси жаҳонга юз тутган Янгилаётган Ўзбекистонимизнинг ҳар бир фуқаросига гурур, ифтихор бағишлаши шубҳасиз.

**Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Озодбек НАЗАРБЕКОВ**



» Каштачилик

Палак –  
миллий  
безак

Миллий хунармандчилигимиздан бири саналган каштачиликда – палакнинг ҳам ўз ўрни бор. Палак – қўлда ёки машинада кашта тикиб тайёрланадиган бадиий буюм. Асосан хоналарни безатиш учун деворга осилади.

Бунинг учун ип-газлама (ўтмишда оқ ёки малла бўзга босма чокда кашта тикилади. Тўлин ойли осмон акс эттириладиган нақш мужасамоти – осмон, ой ва юлдузларни ифодаловчи рамзий шакллар (доира ва юлдузлар)дан иборат. Гулларининг йириклиги ва замини ҳам кашта билан куюқ қоплаб тикилишига кўра сўзанадан фарқ қилади. Тасвирдаги ой сонига қараб: 6 ойли, 12 ойли ва бошқа палак хиллари мавжуд.

Палакнинг ранги, жилоси мужасамоти, бадиийлиги ҳаворнинг маҳорати ва дидига боғлиқ. XX асрнинг 60-йилларида машина каштадўзлиги кенг тарқалиши туфайли шу йўл билан тикиладиган палаклар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Турли рангдор матолар пайдо бўлиши кашта заминида мато тусини сақлаб қолишни тақозо этади. Шу боис палак ўрнини сўзана эгаллай бошлади. Тошкент, Фарғона, Сурхондарё ва бошқа жойларда яратилган палакнинг ажойиб намуналари Ўзбекистон ва хориж музейларида сақланади.

Н.АЛИҚУЛОВА,

Термиз Давлат музей кўриқхонаси ходими

» Янгиланаётган Ўзбекистон

# Инновацион ёндашув – долзарб масала

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида маданият соҳасини инновацион ривожлантириш жуда долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса, бугунги ҳаётимиз маданият ва санъат муассасалари томонидан аҳолига кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширишга янги ёндашувлар ишлаб чиқиши тақозо этмоқда. Барча соҳаларда тобора кучайиб бораётган умумий рақобат шароитида маданият ва санъатнинг ўзига хос хусусиятлари мутасаддилар олдида умумий бошқарувнинг инновацион усуллари оқилона фойдаланиш, ходимларнинг касбий савиясини ошириш каби жиддий вазифаларни қўймоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган шиддатли ислохотлар даврида маданият хизматларининг инновацион тараққиёти катта аҳамиятга эга. Чунки маданият ва санъат муассасалари кўрсатадиган хизматларнинг сифат даражаси истеъмолчининг нозик диди ва ўсиб бораётган савиясидан келиб чиқадиган талабларга монанд келишини даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Шунингдек, маданият ва санъат муассасалари фаолиятида акс этадиган инновацион тараққиёт бутун жамиятга таъсир ўтказмай қолмайди. Зотан маданият жабҳасидаги ишлар натижаси муайян ижтимоий жараёнларни юзага чиқариб, ҳар бир истеъмолчи шахси ва бутун жамият маданий савияси шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади. Бинобарин, маданият соҳасининг инновацион тараққиёти жамият барқарорлиги асосларидан бири бўлиб, ижодий тафаккур ва яратувчанликка таянган ҳолда юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ўсиши ҳамда аҳоли турмуш тарзининг янада фаровон ва сермазмун бўлишига олиб келади ҳамда бу бошқа соҳаларда ҳам инновацион жараёнларни тезлаштиради.

Мавжуд вазиятдан келиб чиқиб шуни айтиш жоизки, яқин истиқболда маданият соҳасини аҳолининг умумий савияси юксалишига монанд равишда, бошқарув механизmlарини ривожлантириш ҳозирги замон шароитида барқарор инновацион тараққиётга асос бўлиб хизмат қилади. Шунга кўра, маданият соҳасида замонавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга шароит яратадиган ҳамда инновацион тараққиётни таъминладиган юксак салоҳиятга эга, малакали мутахассис кадрларни тарбиялаш ўта муҳим ва айтиш жоизки, долзарб муаммолардан бири ҳамдир.

Замонавий менежмент ва маркетинг тамойилларини яхши ўзлаштирган ҳамда юксак ижтимоий-иқтисодий натижаларга эришишда ёрдам бера оладиган салоҳиятли му-

тахассиснинг бўлиши ва изчил, аниқ белгилаб олинган саъй-ҳаракатлар – маданият ва санъат муассасалари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг сифат даражасини оширишда инновацион ёндашувнинг муҳим омилларидан бири.

Бозор иқтисодиётида хўжалик юртиш шароитида маданиятнинг моҳияти ва ролини аниқлаш, шунингдек, маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини ошириш, соҳани инновацион ривожлантиришнинг назарий асослари, тадқиқоти ва бу борада турли давлатлардаги ҳолатлар таҳлили натижасида яна қуйидаги фикрларни билдириш мумкин.

Давлат маданият сиёсатининг объекти сифатида музейлар, кўرғазма заллари, театр ва кинотеатрлар, маданият марказлари ва бошқа муассасалар комплексини ўзида муассасам этиб, уларнинг хизматлари учун маълум давлат буюртмасини бажаришни назарда тутати. Мазкур муассасалар фаолияти биринчи навбатда аҳолига ўзига хос маданий хизматларни тақдим этиши, маданий меросни сақлаши ва муҳофаза қилиши, халқ ижодиётининг турли йўналишларини қўллаб-қувватлаши ва ривожлантириши давлат томонидан белгилаб қўйилган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, Европа, Осиё ва Американинг йирик мутахассислари XX аср охирида келиб маданиятнинг фақат дотацияда фаолият кўрсатадиган соҳа эмас, балки мамлакат инновацион ва иқтисодий ривожини таъминладиган ижодий саноатлар тараққиётининг асосий йўналиши бўлиши ҳақидаги бутунлай янгича тушунча ва таклифларни ишлаб чиқарган. Бунда маданиятга, хусусан, ҳозирги замондаги энг жўшқин, сердаромад соҳалардан бири бўлган туризм тараққиётига яхши база сифатида инновацион тафаккур ва ижодий салоҳиятни ривожлантириш асоси деб қаралади.

Бугун дунёда маданият тушунчаси мазмуни сезиларли даражада кенгайган ва моҳиятан замонавий технологиялар тараққиёти, жамият эҳтиёжлари ўзгариши ҳамда ижтимоий муҳитнинг мураккаблашуви билан боғлиқ ҳолда янада ривожланмоқда. Албатта, маданият соҳасида инновацион тараққиёт ҳар томонлама тақомиллашаётган жараён бўлиб, дастлабки ўрганишлар, тузилмавий ян-



гиланишлар ва бошқа босқичларни ўз ичига олади. Маданият маҳсулотлари ва хизматларининг ўзига хослиги туфайли аниқ ифодаланган фарқли сифатларга эга бўлади.

Маданият соҳасидаги инновацион тараққиёт бу – маданий муҳитнинг бир-бири билан боғлиқ бўлган ўзгаришлари янада тақомиллаштириш мақсадида аҳолига кўрсатиладиган маданий хизматлар самарадорлигини оширишда маданият ва санъат муассасалари фаолиятида ислохотларга йўналтирилган муҳим жараён демакдир.

Шу билан бирга, маданият соҳаси ва ундаги алоҳида субъектлар инновацион ва ижодий салоҳиятнинг пасайишига олиб келадиган муаммоли омиллар ҳам борки, улар турли поғонадаги бошқарув органлари томонидан маданият соҳасига жамият ва иқтисодиёт ривожининг инновацион йўналишларидан деб қаралмаслиги, маданият муассасаларининг маҳаллий ҳокимликлар томонидан етарли даражада молиялаштирилмаслиги, шунингдек, маблағ билан таъминлашнинг муқобил шакллари ривожланмаганлиги, ижодий индустрияларни ривожлантириш борасида билим ва тажрибалар етишмаслиги, маданият соҳаси обрўини ошириш, оқилона кадрлар сиёсати олиб бориш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларнинг инновацион лойиҳаларда иштирокини рағбатлантириш каби қатор масалалар бўйича тегишли чоралар кўрилмаслигида намоён бўлиб, маданий хизматлар кўрсатишини яхшилаш борасидаги инновацион ёндашувларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Айни пайтда маданият муассасаларининг инновацион тараққиётида қуйидаги муаммолар ҳам мавжуд:

- кўпгина маданият маҳсулотлари ва хизматларининг ҳозирги замон руҳи, истеъмолчилар диди ва талабларига мос келмаслиги;
- жойлардаги маданият муассаса-

лари ходимларида инвесторлар излаб топиш билан боғлиқ билим ва малаканинг йўқлиги;

- маданият муассасаларини бошқаришда маркетинг ёндашувлари, менежментнинг ҳозирги замон усулларини қўллаш учун моддий-техник базани барпо этишдаги амалий ишлар сустлиги ва ҳоказо.

Хизмат кўрсатишнинг инновацион тараққиётини таъминлаш анча серқирра жараён бўлиб, унафақат янги гоё, ечим, ўзлаштириш, яратиш, кашф этишни, балки бўлажак истеъмолчиларнинг эҳтиёж ва хусусиятларини; муассасанинг ички

аҳволи, имконияти ва салоҳияти, кучли ва заиф томонларининг таҳлилини; инновацион лойиҳаларни татбиқ этиш ва молиялаштириш борасида ёрдам кўрсатишга қодир шериклар, ҳомийлар, давлат арбоблари, етук мутахассислар, маслаҳатчиларнинг иштирокини ҳамда бошқа омилларни излаб топишни ўз ичига олади.

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда маданият ва санъатни қўллаб-қувватлаш, миллий маданий ва маънавий меросни сақлаш ҳамда кўпайтириш, халқимизни миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналари билан таништириш, моддий-техник базани яхшилаш ва халқаро маданий алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 26 августдаги "Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги кўпгина масалаларни ҳал этадиган асосий ҳужжат бўлиб, унда маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш таъминлаш, маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг жаҳон маданий маконига интеграциялашувини таъминлаш, шунингдек, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ҳамда кўриладиган чоралар аниқ белгилаб берилган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартдаги "Маданият марказлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори тегишли ҳужжат ижросига қаратилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ҳозирги мураккаб ва айтиш жоиз

давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барча соҳаларда амалга оширилаётган оламшумул ислохотлар натижасида эришилаётган ютуқлар, содир бўлаётган янгиланиш ва ўзгаришлар даврида тегишли ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда соҳа фаолиятини қайта кўриб чиқиш, аҳолининг кенг қатламлари, айниқса, ёшлар учун ташкил этиладиган маданият хизматларининг сифат даражасини оширишга инновацион ёндашувнинг зарурлиги Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва унинг таркибида фаолият кўрсатаётган маданият ва санъат муассасаларининг муҳим вазифасига айланиши керак.

Бугунги кунда вазирлик тизимида 37 та профессионал театр, Ўзбекистон давлат филармонияси ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят бўлимлари, 100 дан ортиқ турли йўналишдаги музейлар, 826 та маданият маркази, уларда фаолият кўрсатаётган тегишли унвонларга эга 70 дан зиёд халқ театрлари, 100 дан ортиқ намунали ва халқ фольклор жамоалари, 152 та ашула ва ракс халқ ансамбли, 23 та вокал-чолгу эстрада халқ ансамбли, 3 мингдан зиёд бадиий ҳаваскорлик тўғараклари, 312 та болалар музика ва санъат мактаби, 225 та маданият ва истироҳат боғи бор. Улар фаолияти Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маданият бошқармалари, шунингдек, жойлардаги 200 дан зиёд туман (шаҳар) маданият бўлимлари томонидан мувофиқлаштириб борилади.

Уларнинг ҳар бирида, албатта, биринчи, ўрта ва қуйи бўғин раҳбарлари, яъни замонавий талқинда атайдиган бўлса – менежерлар, бундан ташқари, ижодий ходимлар – бадиий раҳбарлар, мураббийлар, концертмейстерлар, тўғарак раҳбарлари, техник ходимлар, ишчи ва хизматчилар фаолият кўрсатиши назарда тутилса, юртимизнинг маданият ва санъат муассасалари қуввати ҳамда салоҳиятини аниқроқ тасаввур қилиш мумкин. Бундай кенг имконият ва катта кучдан унумли ва самарали фойдаланиш, уни тўғри йўналтириш, аниқ мақсадларни белгилаб олиш, етарлича билим ва тажриба, сабот ва ирода, шунингдек ҳозирги давр талаби бўлган инновацион ёндашувлар асосида ижодий фаолиятни йўлга қўйиш гоёт муҳим вазифадир.

Зотан, маданият ва санъат муассасалари кўрсатадиган маданий хизматлар сифатининг замон талаблари даражасида бўлиши шунга боғлиқ, албатта.

**Азамат ХАЙДАРОВ, Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий методик маркази директори, профессор**



Танлов

**"Holly music" ҒОЛИБИ**



Шу кунларда Ўзбекистон давлат консерваториясининг иккинчи босқич талабаси, "Нихол" мукофоти совриндори Василиса Найпак онлайн тарзда ўтказилган "Holly music" халқаро виртуал танловида иштирок этиб, "Чолғу санъати" йўналишида биринчи ўринга сазовор бўлди.

Мазкур танловда ўндан ортиқ ҳамдўстлик ва хорижий давлатлардан иқтидорли ёшлар қатнашиб, ўз ижод на-

муналарини намойиш этишди.

Ҳайъат аъзоларидан бўлган катталар учун онлайн мактаб асосчиси исроиллик Н.Серемина, вокал мураббийи украиналик И.Хороленко, композитор ва муסיқа продюсери, молдовалик Штефан Асканийлар нафақат Василиса Найпакнинг ижодини, балки унинг устози Фарангиз Зиёева хизматларини ҳам алоҳида эътироф этишди.

Мулоҳаза

# Озодалик қалбимизда ҳам томир ёйсин

Баъзан жамиятдаги камчилигу муаммолар тўғрисида соатлаб бонг уриб, илму маърифат, маданият, она ватанга муҳаббат ҳақида қайта-қайта сўзлаймиз. Аммо гоҳида айтганларимизга зид иш тутамиз. Ватанни севиш, ардоқлаш ҳақида гапирамиз-у, унинг йўлларига, хиёбонлари, агроф-муҳити, еру сувларига, бизга гўзаллик бахш этиб турган табиатига ўз хатти-ҳаракатларимиз билан озор етказамиз.

Ватанга, она юртга муҳаббат фақат тилда эмас, балки унинг бугуни, эртаси, келажига гамхўрлигимизда, эътиборимизда ҳам бўлиши лозим. Уни шарафловчи дил изҳорлари ва алёрларга тўлиқ англаб етилган фарзандлик бурчи ҳам ҳамоҳанг бўлса, шундагина "ватанпарварлик" сўзи ўз тасдиғини топади.

Аслида жўн ва содда кўринадиган агроф-муҳитни озода сақлаб, ободлаштириш ҳам ватанпарварликнинг бир кўринишидир. Асл фарзанднинг Ватанига қай даражада меҳри баландлигини унга бўлган муносабатидан англаш мумкин.

Масалан, немислар писта пўчоғини бепарволик билан ерга ташлаган йўловчига яхши муносабатда бўлмас экан. Тартиббузарни тўхтатиб, ташлаган чиқиндисини олишга мажбур қилишаркан. Агар бўйсунмаса, иш жиний жавобгарликкача етаркан. Бунинг учун бирор мукофотдан ҳам умидвор эмас. Назаримда, улар кўчаларнинг тоза ва озода туришини ўзлари учун катта мукофот деб билишса керак. Бу ҳам жамиятни тарбиялашнинг бир кўриниши аслида. Шу тариқа нафақат тартибни сақлаш, балки тугилиб ўсган заминга нисбатан шахс қарашини ҳам тарбиялаб бораверади.



Ўзбек халқига ҳам азал-азалдан тозалик, озодалик сўзлари яқин тушунча. Айниқса, катта ёшдагилар бу борада жуда фаол. Улардан "Тозалик бўлган хонадондан фаришталар аримайди" деган жумлани кўп эшитганмиз. Бироқ "Сувга ахлат ташлама!" дея койишларига кўп ёшларимиз бепарво, улардек табиатни эъозлашни ўрганишмайди. Нурунийларимизнинг биз учун жони аchiётганини фаҳмлашмайди. Шу ўринда бир савол тугилади, нега энди кўксимизни тўлдириб, бурч ҳақида гапирамиз-у, амалда сусткашликка йўл кўямиз?!

Ҳозир кунора махсус транспортлар аҳоли яшаш манзилларида тўпланган чиқиндиларни олиб кетади. Улар ҳам қайсидир маънода аҳолининг айрим бепарқ қатламларини масъулиягга ундаяпти дейиш мумкин.

Яқинда гувоҳи бўлган бир ҳолат, очиги, кўнглимни ранжитди. Маҳалламизда яшайдиган ўрта ёшли киши чиқиндиларни ҳовлисида бир неча қадам наридаги махсус жойга олиб бормай, уйи олдида оқиб ўтган анҳорга оқизиб юборди. Жуда хунук ҳолат, шундай эмасми? Бундан ҳам ёмони, ундан ўрнак оладиганларнинг борлиги, масалан, ўша ҳовлида улғаяётган болалар, келинлар. Ота ёки бобосининг бу хатти-ҳаракати бора-бора фарзандлар учун одатий ҳолатдек қабул қилиниб, келажакда улардан бепарво, табиатга озор етказувчи шахслар етишиб чиқмасмикан деб ўйлаб қолсан одам.

Аслида тарбия деганда фақат назорат, насихатларни тушунмаслик керак. Катталарнинг ҳар бир амали ўзидан кичиклар учун тарбия вазифасини ҳам ўтади. Шундай экан, ўсиб келаятган авлодларимизга фақат шиору алёрларнигина эмас, юрт огирини энгил қилишни ҳам ўргатайлик. Бунинг учун эса қахрамонлик кўрсатишни эмас, шунчаки Ватаннинг ҳар қарич ерини тоза-озода сақлашнинг ўзи кифоя эканини ўқтирайлик.

Ҳадиси шарифда "Ватанни севмоқ иймондандир" дейилади. Иймони бут инсон эса унинг ҳар бир қаричини муқаддас санаб, асраб-авайлашни бурч деб билади. Бу эса ҳар қандай эътиқоддан кучлидир. Қалбимизда иймонимиз, бурчимиз мустаҳкам бўлиб кўкараверсин. Юртга бўлган меҳримиз ўлмасин, тозалик фақат кўчаларимиз, ҳавзаларимизда эмас, қалбларимизда ҳам томир ёйсин.

Ҳилола АБДУЖАББОРОВА,  
ЎзЖОКУ талабаси

Ижодий ютуқ



# Сурхондарё вилоят кўғирчоқ театри Фестиваль ҒОЛИБИ

2002 йилдан ўз фаолиятини бошлаган Сурхондарё вилоят кўғирчоқ театри ўтган йиллар давомида 60 дан ортиқ спектакль ва жонли ижродаги маданий-маърифий дастурларни сахналаштириб, томошабинларга тақдим этиб келмоқда. Театр жамоаси томонидан илк спектакль сифатида Пўлат Мўминнинг «Туяқуш-боёқиш» асари сахналаштирилди. Шундан сўнг Алп Жамолнинг «Дўстлар» асари асосида иккинчи ижод намунаси ёш томошабинларга тўхфа этилди.

Театрда ўтган йиллар давомида Н.Аминовнинг «Чуви чиққан Чумчүквой», Ж.Худойбердиевнинг «Дўстликнинг буюк кудрати», Ж.Маҳмуднинг «Бахилнинг боғи кўкармас», Э.Ваврушканин «Изқувар Брок» спектакли, Тўра Қобилоннинг «Меҳр гули», Х.Низомиддиновнинг «Қалдирғоч», А.Юсуфнинг «Ёмғир ёғдир, Суст хотин», Б.Маҳмудовнинг «Тандир она саховати», Ш.Дўстмуҳаммаднинг «Гулсевар», Г.Х.Андерсеннинг «Қиш эртаги», Э.Хушвақтовнинг «Зумрад ва Қиммат» И.Жумановнинг «Ур тўқмоқ!», Х.Расулнинг «Тоҳир ва Зухра» каби кўғирчоқ спектакллари, шунингдек, «Сизга соғлик тилаймиз!», «Болаликнинг бахтли онлари», «Алвастининг хийласи», «Қор Маликасининг совғаси» номли муסיқали театрлаштирилган томошалар сахналаштирилди.

Ижодий жамоа 2005 йил 23 декабрь куни Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республика кўғирчоқ театрларининг VII аънавий кўрик-фестивалида Т.Муҳиддин асари асосидаги «Шум бола ўзга сайёрада» кўғирчоқ спектаклини намойиш этиб, театр артисти Дилдора Авазова «Энг яхши ёш актёр ижроси учун» номинацияси ғолиби бўлди.

2009 йил 12 декабрь куни ўтган VIII аънавий кўрик-фестивалда «Кўғирчоғим ўйнайди – асли ростин сўзлайди» спектакли кўғирчоқлари учун Зебини-со Каримова «Энг яхши кўғирчоқ устаси учун», 2013 йил 21 ноябрь куни Самарқанд шаҳрида ўтказилган IX аънавий кўрик-фестивалида Т.Қобилоннинг «Ёмғир ёғдир, Суст хотин» спектакли «Миллий муסיқадан унумли фойдаланганлиги учун», 2016 йилнинг 1 – 5 июнь кунлари Андижон шаҳрида ўтказилган X аънавий кўрик-фестивалида Ё.Тўйчиевнинг «Орзу-



нинг ушалиши» спектакли намойиш этилиб, «Энг яхши пьеса учун» номинациялари ғолиблигига муносиб кўрилиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

2018 йилнинг 8 – 14 июль кунлари Э.Хушвақтов асари асосида театр сахнасида

илк бора марионетка йўналишида сахналаштирилган «Зумрад ва Қиммат» спектакли Республика кўғирчоқ театрларининг аънавий XI кўрик-фестивали ҳамда 2018 йилнинг 14 – 21 ноябрь кунлари ўтказилган «ДЕ-БЮТ – 2018» V Республика кўрик-фестивалида иштирок этди.

Нихоят театр жамоасининг неча йиллардан буён орзиқиб-интиқлик ва ҳавас билан кутган энг катта орзуси ушалди. 2020 йилнинг 5 – 8 сентябрь кунлари онлайн тарзда ўтказилган «Республика кўғирчоқ театрларининг XII аънавий кўрик-фестивали» да Сурхондарё вилоят кўғирчоқ театри таниқли режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ш.Юсупов томонидан сахналаштирилган, А.Қодирий таваллудининг 125 йиллиги муносабати билан, алломаниннг ҳажвий асарлари асосида ёш драматург Ш.Дўстмуҳаммад қаламига мансуб «Қодирий кулдирганда» спектакли билан иштирок этиб, фестивалнинг 1-даражали ғолиби бўлди. Шу билан бирга «Энг яхши кўғирчоқ рассоми» номинациясини ҳам қўлга киритди.

Албатта, бу театр жамоаси учун жуда катта мукофот. Ғолибларни ушбу шарафли мукофот билан самимий муборакбод этамиз! Жамоаниннг келгуси ижодий ишларида улкан муваффақиятлар тилаб, Республика кўғирчоқ театрлари орасида етакчи мавкега эга бўлганликларидан чексиз фахрланиб-гурурланиб «Барақалла, кўғирчоқ театри ижодкорлари» деб қоламиз!



» Маданий мерос

## “Жампик қалъа”си



Корақалпоғистон Республикасининг Қораузақ тумани ҳудудида жойлашган “Жампик қалъа”си мил. авв. IV-III асрлар, мил. IV, IX-XI, XIII-XIV асрларга оид бўлиб, уни машҳур археологлардан бири С.П.Толстов Хоразмдаги энг чиройли қўрган деб атаган.

Археологик қазилмалар чоғида қалъадан Шарқ ва Ғарб мамлакат-

ларидан (Хитой, Ҳиндистон, Европа мамлакатлари, Миср, Россия) келтирилган кўп қабат топилмалар аниқланган. Жумладан, 1319-1320 ва 1345-1346 йилларга тегишли тангалар ҳам топилган. Бу шуни кўрсатадики, қалъада XIV аср ўрталаригача ҳаёт бўлган. Мазкур қалъа маданий мерос объекти ҳисобланади.

» Сўхбат

# Коронавирус биз билан қоладими?



Бугун глобал муаммага айланган коронавирус пандемияси атрофида ҳар хил саволлар туғилмоқда. Шу боис Соғлиқни сақлаш вазирлигининг коронавирусга қарши кураш штаби аъзоси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Нурмат Атабеков билан бўлган сўхбатни эътиборингизга ҳавола этишни жоиз топдик.

**– Ён-атрофимиздаги давлатлар билан солиштирганда бизда коронавирус билан боғлиқ вазият қандай?**

– Бугун ҳамма кундалик статистикадан хабардор. Ҳозирда республикамиз бўйлаб кунига 500 га яқин бемор қайд этиляпти ва биз касалланиш бўйича ҳамдўстлик давлатлари ичида ўрта даражада турибмиз. Лекин умумий аҳоли сонига нисбатан оладиган бўлсак, кўрсаткичимиз анча яхши. Бироқ бу зинҳор хотиржамликка ёки ўта саросимага тушишга асос бўладиган ҳолат эмас. Қолаверса, Ўзбекистонда қайд этилаётган беморлар статистикаси ҳар кун уч маротаба янгиланиб, аҳолига етказилляпти.

Касалланганлар нафақат ҳудудлар, балки ёшга қараб, касб-корлар бўйича ҳам рўйхатга олинляпти. Мухими, беморларни даволашда дунё ҳамжамияти эътироф этган тактика қўлланиляпти. Яъни жуда энгил кечганда амбулатория-поликлиника шароитида, ўрта оғирликда саралаш пунктларида жойлаштириш ва даволаш, оғир ва ўта оғир ҳолатларда тўғридан-тўғри шифохонага ётқизиш.

Айни пайтда беморларнинг мурожаат қилиши ёки шифохонага ётқизилиши борасида ҳеч қандай муаммолар йўқ. Бундан кўриниб турибдики, эпидемик вазиятимиз ваҳима қиладиган ҳолатда эмас. Аммо касаллик қайд этилишда давом этар экан, бу қайсидир даражада одамларимизни хушёр тортишга, сергак бўлишга ундаши керак. Чунки вирусни юқтириш эҳтимоли юқтирмалиқдан юқори.

**– Одамлар орасида тарқалган «Бу кетишда яна қатъий карантин жорий этиларкан», деган гап-сўзлар қанчалик асосли? Наҳотки, вазият яна жиддийлашаётган бўлса?..**

– Тўғри, ижтимоий тармоқларда карантин тадбирлари айнан 15 октябрдан яна кучайтирилган экан, деган гап-сўзлар юрибди. Лекин бу мутлақо асоссиз маълумот. Негаки, бизда бу даражадаги аниқлик билан, яна бир ой оддин хулоса бера оладиган «иктидор» эгаси йўқ ва шахсан мен карантин чекловларини кескинлаштириш сабабини кўраётганим йўқ...

Энг муҳими, тиббиёт тизими шай ҳолатга келтирилди: керакли миқдорда дори-дармон, асбоб-ускуналар, тестлар, шифо ўринлари тайёрлаб қўйилди. Мутахассисларимиз ҳам ҳар томонлама етилли.

Мисол учун, нафақат юқумли касалликлар шифохоналари, балки бошқа профилдаги – терапия, хирургия, болалар хасталиклар бўйича тиббиёт муассасалари ҳам коронавирус билан шугулланиб кўрди. Ҳаммаси шу касалликка чалинганларни даволаш ишида иштирок этди. Эътиборлиси, марказ билан ҳудудлар телекўприги шаклланди. Айтайлик, телемулоқот орқали маслаҳатлашув тизими йўлга қўйилди. Хорижлик мутахассислар келди, бизниқилар ҳам уларнинг тажрибаларини ўрганишди. Ўзбекистонда сал кам 70 мингта шифо ўринлари яратилди. Ва, минг шукрки, ҳозирда уларнинг 50 мингдан кўпи бўш турганини кўриб ҳам, чеклов тадбирини кучайтиришга асос йўқ дея оламиз.

Ўзи бундай тадбирлар қачон қилинади, қачонки, касаллик сони кескин ортиб кетиб, унинг жилов қўлдан чиқарилса, муассасалар тегишли тайёрлик кўрмаган ва бир жойда қотиб қолган ёки ожизлик ҳолатига келган бўлса...

Бироқ карантин чекловлари кескинлашмас экан, деган фикрга бориб, ўзимизни бемалолгарчиликка зинҳор ундамаслигимиз лозим.

Масалан, кўча-кўйда кўрамиз, 30-40 фоиз одамгина ниқобларни тўғри тақиб, тўғри ишлатиб юрибди. Лекин орамизда белгиланган талабларга беписанд қараб, амалдаги қонуларни менсимайдиган одамлар ҳам кўп. Дока ниқобни яяги, даҳани ёки кулоғига илтириб қўйганлар қанча. Бу яхши эмас. Улар бу қилиқлари билан қонунни писанд қилмаётганини билдиради ва мен бундайларга қайсидир даражада раҳмим келади. Негаки улар касалликни юқтириб олиши юқори бўлган хавф гуруҳига кирилади. Коронавируснинг нечоғлик жиддий эканини эса бу дардди бошидан ўтказганлар, яқин инсонини йўқотганлар жуда яхши билишади.

**– Хабаримиз бор, сиз ҳам шу касалликка чалиниб, уни энгил ўтдингиз...**

– Тўғри, мен ҳам коронавирус билан 21 кун олишдим. Унгача 4 ой давомида одамларга коронавирус амалиёти, унинг клиник белгилари, ташхисоти, даволаш бўйича нималарни айтган бўлсам, ҳаммасини ўз кўзим билан кўриб, ўз танамдан ўтказдим. Ва шунга амин бўлдимки, биз ҳали бу касалликнинг асоратларини яхши билмаймиз, беморларнинг ҳаммаси соғайиб кетади деган фикрдан ҳам йироқмиз. Яна шуни англадимки, кимки кўрқса, тушқунликка тушса, унга қарши курашмаса, тавсияларга риоя этмаса, бу дардга энгилади.

Баъзан одамлардан «Мен коронавирусга чалиниб бўлдим, энди ниқоб тақмасам ҳам бўлади» деган гапларни эшитяпмиз. Энди тасаввур қилинг, Ўзбекистонда сал кам 50 минг одам коронавирус билан ка-

салланди. Уларнинг бари кўчада ниқобсиз ёки ўрнатилган тадбирларга риоя қилмай юрса, бу вазиятни жиддий ўзгартириши мумкин. Ахир, тузалиб чиққан одамлар ҳам маълум бир муддат вирусни ташқарига чиқариб туришади. Унинг ҳали 10-20 йилдан кейин қанақа асоратлар беришини ҳам билмаймиз. Бу биз учун нотаниш касаллик кўзгатувчиси. Шундай экан, у билан ҳазиллашмайлик.

**– Шу ўринда ҳамюртларимизда нега унда улар назорат қилинмаяпти, деган савол туғилиши мумкин...**

– Тўғри айтасиз, энди қаранг, 34 миллион аҳолимизнинг, майли, 15 миллиони фаол деб олсак, соҳада назорат қилувчи ходимларимизнинг умумий сони мингдан сал зиёдроқ. Бунга ички ишлар, Миллий гвардия жалб этилган тақдирда ҳам бари шунча одамни назорат қилолмайди. Демак, бизда жамоатчилик назорати бўлиши керак. Бир-биримизга эътироз қилиш, танбех бериш, эслатиб қўйиш кабиларни ўргатишимиз даркор. Мен уришиб, сўкиб, қойиб беринг деган фикрлардан жуда йироқман. Лекин «Кечирасиз, шу дока ниқобингизни тўғри тақиб олинг» дейишни ўрганишимиз шарт.

Ҳаммамиз ўзбекчилик деган гапни кўп эшитганмиз. Нега қозоқчилик, киргизчилик, туркманчилик ёки русчилик дейилмайди. Чунки биз ўз бефарқлигимизни мана шунга ўхшаш сўзлар билан ҳимоялашга уринамиз. Аммо биз одамларни тарбияга қақриб, ўрнатилган тартибга риоя этишни ўргатишда нафақат назорат қилувчи органлар, балки давлатимизга ҳам ёрдам беришимиз керак.

Менинг бир актёр дўстим бор, бир кун у «Гапиравериб, тилим терлаб кетди» деганди... Қаранг, тартиботни кимлар қилмади. Тиббиёт ходимлари ёнига барча соҳа вакиллари қўшилди: журналистлар, актёрлар, шоирлар, зиёлилар, ўқитувчилар... Шундай бўлса-да, бизда бевътибор одамлар кўп. Демак, уларга таъсир қилиши мумкин бўлган барча имкониятларни ишга солишимиз лозим.

**– Сизнингча, коронавирус инсониятни қачонгача таъқиб этади?**

– Биласизми, балки, бу касаллик кўзгатувчиси биздан умуман кетмас, эҳтимол, у одамзод билан бир умрга қолиш учун келгандир... Бир пайтлар эпидемиология фани оталаридан бўлган олим – Виталий Беляков «Юқумли касалликлар қолиш учун келади», деган фикрни айтганди. Балки, биз бора-бора коронавирусни ҳам грипп ёки оддий респиратор касаллик сифатида кўриб, билиб, яшаб юриверадиган ҳолатга келармиз. Лекин нима



бўлган тақдирда ҳам, эрта-индин касаллик тугайди, ҳаммамиз эркин, боғидек, 2000-3000 одамни йигиб тўй қиламиз, катта-катта тадбирлар, йигинлар ўтказамиз, деган фикрлардан ўзимизни тийиб туришимиз керак. Негаки, биз бу вируснинг бор қирраларини билмаймиз, қандай «сюрприз»лар тайёрлаб қўйганини ҳам тасаввур қилолмаймиз.

**– Унда вирус чекинмай туриб мактабларнинг очилиши қанчалик тўғри? Бундай қарорга келиш осон кечмагандир?..**

– Мен бу қарорни жуда тўғри деб билман. Ахир, фарзандларимизни бир умр уйда қамаб ўтиролмаймиз-ку. Кейин мактабдан олинган кўникмаларни ҳеч қачон уйда беролмаймиз. Эътибор қилсангиз, биз болалар ва невараларимиз билан фақат битта мазмун ва йўналишда гаплашамиз. Яъни кўпроқ уларнинг эркинлигини чеклашга қаратилган: уни қилма, овозингни чиқарма, уришма, талашма ва ҳоказо. Мактаб эса нафақат таълим маскани, балки фарзандларимиз камолотида ҳам муҳим рол ўйнайдиган бўғиндир. Мисол учун, бола эрталаб мактабга бориш масъулияти билан уйдан чиқиб кетади. Дарсни ўзлаштириш жараёнида кимлардандир ўзишга бўлган ҳаракат – интилишни пайдо қилади, ўқитувчилар томонидан берилган топшириқларни уйга келиб бажариш орқали эса жаворгарлик ҳисси уйғонади. Мактабда нимандир баҳслашиб, талашиб олиш асносида ўз шахсини ҳимоя қилиш кўникмаси шаклланади, тенгқурларини ёндаш кузатиб, ўзига озгина оро бериш, солиштириш жараёнида бошловчилик, лидерлик хислатлари ортади. Тан оламизми-йўқми, лекин булар ҳеч бир оилада берилмайди. Тўғри, бола отасига ўхшаб дўхтир, онасидек ўқитувчи бўлишни ният қилар, лекин мактабнинг муҳити бошқа. Бу улуг даргоҳнинг бизга берадиган инъоми катта. Албатта, мактабда мулоқот кўпроқ бўлгани учун касалликлар аниқланиши, очилганлари қайтадан ёпилиши мумкин. Майли, нима қиламиз, илож қанча. Лекин болаларимиз уйда қолса, жуда кўп нарсани йўқотиши аниқ.

Кўп бора таъқидлаганимиздек, болаларда бу касаллик жуда энгил ўтади. Ҳеч қанақа асоратлар бўлмайди, чунки аксариятида ёндош дардлари йўқ. Демак, улар коронавирусни осон енгишади. Фақат бу борада ота-оналаримиз, ўқитувчилар сал сергак бўлишса бас. Бирорта касаллик бел-

гиси бор бола қулоқ тинчи учун мактабга юборилмаса, ўзида кичик аломатни сезган ўқитувчи мактабга бормаса, ўқув даргоҳларидаги эрталабки филтрлар, махсус барьерлар тўғри ва фаол иш-

ласа. Ҳар бир ходим фаолиятига масъулият билан ёндашса, ҳаммаси яхши бўлади...

Ҳозирда барча муассасалар жуда жиддий назорат остига олинган, мутахассислар уларнинг тайёрлиги ҳақида фикр бергач, ҳолат ўша вилоятлардаги кенгашлар томонидан муҳокама қилинади ва депутатлар яхшилаб ўргангач, у ёки бу мактабларнинг очилишига рухсат берилади.

**– Барчамизга маълум, куз фаслида турли юқумли касалликлар авж олади. Сизнингча, коронавирус бу мавсумда ўзини қандай тутади, яъни унинг хатарли тус олиш эҳтимоли борми?**

– Нам ва салқин ҳаво вируслар учун доим қулай шароит ҳисобланган. Демак, куз-қишда коронавируснинг авж олиш эҳтимоли йўқ эмас. Лекин ҳар бир манзил ва маконнинг эгаси бўлганидек, ушбу мавсумларда асосан грипп, парагрипп, ўткир респиратор касалликлар, реино сингари бир қанча ҳаво-томчи йўли билан юқадиган хасталикларга дуч келамиз. Аммо биз бир нарсани билмаймизки, бу вируслар коронавирус инфекцияси билан қандай чиқишади? Яъни улар битта муҳитда ўзларини қандай тутишади? Бир-бирига антагонист – қарама-қаршим ёки синергист – қўллаб-қувватловчимми?..

Маълумки, грипп, парагрипплар, реино сингари инфекциялар аллақачон одамлар вирусига айланиб улгурган, коронавирус эса ҳайвонлардан келиб чиққан. Агар улар қарама-қарши бўлса, бошқа вируслар коронавирус бўйича эпидемик вазият мураккаблаштиришига ҳисса қўшмайди. Мабодо синергист бўлса, унда ахвол жиддийлашиши мумкин.

Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратсак, табиатдаги маълум бир муҳитда икки хил микроорганизм бир пайтнинг ўзида гегемон бўлолмайди. Бундай ҳислат фақат одамларга хос. Масалан, бир хонадонга кирган одам икки хил ният қилиши мумкин: бири яхши, бири ёмон. Лекин микроорганизмларда бундай гирромлик йўқ. Улар ўз табиатига хос хислатларга содиқ. Демак, ҳозирги коронавирус эгаллаб турган манзилга бошқа вируснинг кириб келиши ва уни сиқиб чиқариши эҳтимолдан анча йироқ ҳолат. Шу боис коронавирус касаллигининг ўзи кетиш хоҳишини пайдо қилмагунча, унга қарши эҳтиёт чораларимизни қўллашимиз керак.

**Шоҳида ИСРОИЛОВА сўхбатлашди.**



Кўргазма

**Ўзбек асарлари Хитойда**



Инсониятнинг санъат ва маданиятга эҳтиёжи баландлиги туфайли бугун Хитой Халқ Республикасининг Ханчжоу шаҳрида ҳам халқаро кўргазма бўлиб ўтмоқда. Унда юртдошларимиз иштироки эса ҳар биримизнинг қалбимизда фахр ҳиссини уйғотади.  
Хитойнинг Ханчжоу шаҳри

рассомлар уюшмаси, Ханчжоу шаҳри рассомлик академияси ҳамда Ухан тумани адабиёт ва санъат жамиятлари федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазмада 100 га яқин хитойлик ва хорижлик, шунингдек, 8 нафар ўзбек рассоми асарлари намойиш этиляпти.  
Ўзбекистон Бадий академия-

си ахборот хизматининг маълумот беришича, кўргазмадан юртдошларимиз Акмал Нуриддинов, Бахтиёр Маҳкамов, Бехзод Маҳкамов, Файзулла Аҳмадалиев, Жаҳонгир Имомов, Хуршид Зиёхонов, Эрик Қулманов ҳамда Тўлқин Зокиров каби таниқли рассомларнинг сара асарлари ўрин олган.

Тарих ва маданият

# Қўқон хонлигида Наманган бозорлари

XIX аср бошларига келиб, Фарғона водийсининг энг йирик ва машҳур бозорларидан бири Наманганда бўлган. У хунармандчилик ва боғдорчилик маҳсулотлари ҳамда тоғли қирғизлар билан савдо туфайли хонликда ажралиб турган.



Намангандаги савдо муносабатлари Қўқон хонларининг ҳам доим эътиборида эди. Хусусан, Худоёрхон Наманганнинг иқтисодий салоҳиятини ҳисобга олиб, 500 дўкдан иборат йирик бозор қурдирган. Ундан келадиган даромаднинг асосий қисми хон хазинасига тушган. Ҳар бир дўкон хонга йилига 5 тиллодан 10 тиллогача даромад келтирган.

1875 йил А.Л.Кун Қўқон хонлигига келган даврда Наманганда 1000 дан ортиқ савдо дўконлари бўлганини ёзиб қолдирган. Унда келтирилишича, асосий бозор шаҳар марказида, кўчалар туташган жойда ва хонлиқнинг йирик шаҳарларида очилиб, улар маҳсулот турларига қараб, расталарга ва кичик бозорларга бўлинган: гўшт растаси, дон бозори, ун бозори, ёғ бозори, чорва бозори, ипак ҳамда пилла бозори, ипак матолар растаси, пахта бозори, мева бозорлари қабили.

Наманган бозори ҳар доим маҳаллий ва турли ҳудудлардан келган савдогару харидорлар билан гавжум бўлган. У ерда майда савдо ҳафтанинг ҳар куни ишласа, катталари Қўқон ва Тошкент бозорларидан кам бўлмаган ҳамда шанба, якшанба кунлари саҳардан то кечгача, йил бўйи давом этган.



Маълумотларга кўра, Наманган марказида катта бозор ва Беги, Дебгиз ҳамда Мавлави номли учта карвонсарой қад ростлаган. Дебгиз карвонсаройи икки қаватлиги билан ажралиб турган. Улар пишқ гўштдан қурилган ва тўртбурчак шаклида бўлиб, ичкарига битта дарвоза орқали кирилган. Марказида махсус майдон бўлган ва савдо карвонларининг юклари шу майдонга туширилган. Карвонсарой деворлари ёнида айвонли савдо дўконлари жойлашган бўлиб, улар дўконларни ёгингарчиликдан ҳимоя қилган. Кўш қаватли карвонсаройларнинг тепа қисми айвон вазифасини ўтаган. Мавлави карвонсаройи шаҳардаги энг йирикларидан бўлиб, унда 30-40 атрофида савдо дўкони мавжуд эди. У шу ном билан аталувчи мадраса ва масжидга вақф пули ажратиб турган. Наманганда хонлиқнинг Марғилон ва Қўқон

каби ипакчилик марказлари бўлган. Шунингдек, боғдорчилик ва деҳқончилик маҳаллий аҳолининг асосий машғулоти ҳисобланган. Маълумотларга кўра, шаҳарда атлас, бекасам, чит, шойи, сурп ва бошқа ипак, ярим ипак ва ипгазламалар тайёрланган. Сифатли матолар Қўқон ва Тошкентга олиб кетилган. Наманган матолари Ўрта Осиёдан ташқарида ҳам машҳур эди.

XIX аср 60-йилларида Ўрта Осиёда бўлган А.Вамбери маълумотида кўра, Хиротта у билан "50-60 атрофидаги қўқонлик хожилар қарийб 40 жун ипак рўмол, 2 мингга яқин пичоқ, 30 бўлак Наманган шойиси, кўп сонли Қўқон дўппилари ва бошқа молларни сотиш учун Арабистонга" олиб кетган. Ушбу маълумотларнинг ўзиде Наманган шойиси харидоргир бўлганлигидан далолат беради. Қўқон хонлигида оддий халқ ичида харидоргир бўлган ипакдан тўқилган йўл-йўл матолар ишлаб чиқариши билан худуд яқинидаги Бешариқ қишлоғи ва Наманган машҳур эди. Бундай матолар тоғли қирғизлар тилига ҳам тушганди. Кўшни мамлакатларда Қўқон хонлигининг ипкалаваси ҳам машҳур бўлиб, энг юқори сифатлиси Наманганники ҳисобланган. XIX аср 70-йилларида Қўқон бозорида Наманганнинг 1-нав калаваси пуди 32 тилло (132 Россия рублига тенг), 2-навлиси 28 тилло (106 руб. 40 коп. тенг)дан сотилган бўлса, Бухорода 1-нави 30 тилло (138 руб.), 2-нави 27 тилло (122 руб. 20 коп.)дан сотилган ва афғон савдогарлари томонидан харид қилиниб, Қобулга олиб кетилган.

Наманган турфа хилдаги ўсимликлардан турли рангдаги сифатли бўёқ тайёрлаш ва ипгазлама, ипак ҳамда ипак матоларни буюш касби билан ҳам таниқли эди. Ипакка ранг беришда асосан норпус (қора анор) бўёғидан фойдаланилган бўлиб, хонлиқнинг турли ҳудудларидан бўятиш учун катта миқдорда ипак олиб келинган.

Наманган Қўқон каби хонлиқнинг муқовалаш хунари ривожланган шаҳарларидан бўлиб, бу ерда чарм ва қоздан яратилган муқовалар Ўрта Осиёнинг йирик марказлари – Самарқанд ва Хиваникидан қолишмас эди. Бу хонликда металлургия саноати ҳам ривожланган бўлиб, унга ишлов бериш ва турли буюмлар ясаш маркази сифатида Ўрта Осиёда ҳам ўз ўрнига эга эди. П.И.Пашино қолдирган маълумотларга кўра, Наманганда қуролсозлик ҳам ривожланган, бу ерда милтиқ ва қилчлар тайёрланган. Ўрта Осиё хонлиқларига темир ва металл буюмларни келтириш асосан наманганлик савдогарлар қўлида бўлган.

Ҳозирда сопол буюм намуналаридан ташқари турли меҳнат қуроллари Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг тарихи бўлими экспозиция залида кенг намойиш этилмоқда.

**А.ҒАНИЕВ, Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи бўлим мудири**

Мозий кўприги



# Музейлар тарихига бир назар

Тарихни англаган одам ўзлигини идрок этади. Шу маънода тарихий манбаларни асраб-авайлаш, илмий ўрганиш, бойитиш ва ривожлантиришда музейларнинг ўрни алоҳида.

Музей сўзи юнон тилидан олинган бўлиб, музейон (mouseion) – музалар (қадимги юнон мифологиясида санъат ва фан маъбудалари)га бағишланган жой маъносини англатади. У даврда музалар шоир ва санъаткорларга илҳом беради деб тушунилган. Шу боис антик асарлар ёзилиши олдида кўпинча музаларга мурожат қилинган. Масалан, антик шоирлардан Гесиод (мил.ав. VII асрда) ўз асарларида 9 та музани эслаб ўтади. Хусусан, Клийо – тарих, Евтерпа – поэзия ва мусиқа, Талия – комедия, Мельпомена – трагедия, Эрато – муҳаббат лирикаси, Полигимния – мадх этувчи каби маъбудлар. Аппалон маъбудлар худоси ҳисобланган.

Биринчи музейон тахминан мил.ав. 290 йил ўқув муассасаси сифатида ташкил этилиб, унга Александр Птоломей I томонидан асос солинган. Музейон яшаш учун мўлжалланган хоналар, ошхона, ўқув хонаси, ботаник ва зоологик боғлар, обсерватория ва кутубхонадан иборат бўлган. Кейинчалик бунда тиббиёт ва астрономик жиҳозлар, ҳайвонлар экспонати, ҳайкал ва бюстлар ўрганиш учун кўргазма вазифасини ўтаган. Мил.ав. I асрда Музейон кутубхонасида 750 000 та қўлёзма ҳисобдан ўтказилган. Бироқ у Александрнинг кутубхонаси билан бирга ёнгин туфайли йўқ бўлиб кетган.

Антик Греция даврида маъбудлар ҳайкалини яратиш санъат даражасига кўтарилган. Кейинчалик Рим шаҳри боғларидан ҳам ҳайкаллар ва тасвирий санъат асарлари жой ола бошлаган. Ҳозирги замон музей образини дастлаб Римда Адриан вилласи тасвирлаб берган. Император Адриан ўзида катта таасурот қолдирган ноёб Миср ва Греция буюмлари билан ўз вилласини безаб, уларни таширф буюрган бой ва зодагон меҳмонларига намойиш қилган.

Мил.ав. II асрда Хитой ва Япония худудларида қўл меҳнати санъати ибодатхоналарга



тўпланиб, турли кўргазмалар ташкил этиб турилган. Ўзига хос Сёсоин коллекцияси – Нара ибодатхонасида вужудга келган.

Ўрта асрларда заргарлик буюмлари, қимматбаҳо тошлар ва бошқа санъат асарлари ибодатхоналарга ҳарбийлар томонидан бойлик сифатида олиб келиниб, алмашинув ва харажатлар туфайли хазина гоҳ бўшаб, гоҳ тўлдириб турилган.

Замонавий музейлар коллекцияси илк бор XVIII асрда юзага келган. Унда санъат, маданият ва фан эришган ютуқлар намуналарини тўплаш кўп мамлакатларда русумга айланган. Масалан, 1750 йил Парижнинг Palais de Luxemburg саройида бир ҳафтада икки кун картиналар намойишига рухсат берилган. Кейинчалик бу картиналар Лувр музейига топшириб юборилган. Бу музейга XVII асрда қирол Францисконинг шахсий коллекцияси асос бўлган.

Илк янги музей типини Лондондаги Британия музейи (1753 й.) ташкил қилди. Унга кириш учун рўйхатга ёзилиш жорий этилди. Лондондаги Британия музейи ва Франциядаги Лувр музейи Ғарбий Европадаги илк оммавий музейлар ҳисобланади.

Жаҳондаги йирик музейлар асосан XIX асрда пайдо бўлди. Мадриддаги Прадо музейи (1876 й.), Санкт-Петербургдаги Эрмитаж (1852 й.), Нью-Йоркдаги Метрополитен музейи (1870 й.), Тошкентдаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи (1876 й.) шулар жумласидандир.

**Ш.ҚУРБОНОВА, Жиззах вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи**









Халқаро кўргазма



Миллий мерос

## Дўппи – қадрият ва анъаналар белгиси

Мустақиллик шарофати билан миллий хунармандчилик, жумладан, дўппидўзлик ҳам кенг ривожланди. Бугун ўзлгимизни англаш, қадимий ва бой тарихий-маданий меросимизни тиклаш ва тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Дўппининг яратилиш тарихи олис ўтмишга бориб тақалгани боис, дўппидўзлик миллийлигимиз тимсоли сифатида Ўзбекистон номоддий мероси рўйхатига киритилган. Дўппи – халқ амалий санъатининг энг ноёб ва энг кўп тарқалган намуналаридан бири бўлиб, миллийлик, қадрият ва анъаналар белгиси ҳисобланади.

Ўзбек ва туркий халқлар миллий бош кийими бўлган дўппи, ҳақли равишда, халқ амалий либосининг ажралмас қисмидир. Дўппи – ўзбек халқининг миллийлигини, ўзига хослигини акс эттирувчи қадимги даврларда яратилган ва ҳозирги кунга қадар фойдаланиладиган, маданияти ва тарихи билан узвий боғлиқ бўлган бош кийими. Ўзбекистоннинг Чуст, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Бойсун дўппилари жуда машҳур. Ўзбек дўппилари бошқа халқларникидан ўзига хос шакли, безаги билан ажралиб туради.



Жумладан, Сурхон дўппилари амалий безак санъатининг жозибакор усули ила Тошкентнинг духоба, ироқи, Бухоронинг зар иплар билан тикиладиган зардўзи-гулдўзи, табиатнинг тўрт унсури ёки кут-барақа рамзини акс эттирувчи Чуст, Фарғона, Андижон ва Қашқадарё кашта дўппиларидан фарқ қилади. Айниқса, Сурхондарёнинг Бойсун, Шўрчи дўппилари ранг-баранг нақшлари билан инсон қалбининг жушқинлиги, табиатга яқин, ҳамнафас эканлигини билдириб туради.

Бойсуннинг "Тўлдирма", "Пулакча", "Тангача" ёки "Лолагул" дея аталувчи дўппиларини эр-йигитларимиз кийишади. Улар асосан патли бахмалдан тайёрлангани боис «патдўзи» деб ҳам ном олган. Дўмалоқ шаклли, пилтадўзи дўпписининг нақши эса содда, гуллари марказ томон йўналган, қавиқ чоклари эса қовурғали юзани ҳосил қилади.

Шўрчи ва Бойсун дўппилари ҳам бошқалари қатори уч қисмдан: тепа – айлана ёки тўртбурчак шаклда бичиладиган, гардиш – яъни кизак қисми ва жиякдан-тузилган қисмлардан иборат бўлиб, бигиз билан кашта ўриб тикилади.

Хотин-қизлар кийишига мўлжалланган "мунчоқ" ёки "шабанок" деб номланувчи дўппилар эса шаклан думалоқ бўлиб, уларга майда мунчоқлар билан гул ҳосил қилинади ва попукча билан безак берилади. Дўппилар кизаги "йўрмадўзи" усулида тайёрланган жияк қадаб безатилади.

Эркак ва аёллар дўпписи жияқларидаги гул нухаларига қараб фарқланади. Дўппига жияк тикиб бўлингач, унинг туташган жойига турли рангдаги ипак иплардан попукча тайёрланиб, безак сифатида қадаб тикилади.

М.ХОДЖАЕВА, Термиз давлат музей-қўриқхонаси бўлим мудири

Рақс санъати ривожини йўлида



Кейинги тўрт йилликда республикамизда маънавий-маърифий савияни юксалтириш, хореография санъатини ривожлантириш, ўзбек мумтоз ва фольклор рақсларининг ноёб намуналарини, ўзига хос ижро мактаблари, маданий мерос ва анъаналарини асраб-авайлаш ҳамда такомиллаштириш мақсадида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда.

## Маданий ҳамкорликнинг янги қирралари

Маънавий мерос инсонларнинг бир-бирига бўлган ўзаро муносабатлари асосида шаклланиб, сайқалланиб боради. Миллатлараро маданий-маърифий алоқалар қадриятларнинг авлоддан-авлодларга ўтиши ва бой-иб бориши жараёнида ривожланади, халқаро миқёсга чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ҳамда "Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" қабул қилган қарорлари жамият тараққиётида улкан ҳодиса бўлиши билан бир қаторда маданият ва санъат ходимлари, соҳага оид олий ўқув юртлири зиммасига катта масъулият юклайди.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон давлат хореография академиясида 2020 йил 25 сентябрда "Марказий Осиё халқларининг маданий ҳамкорлик истиқболлари" мавзусида ўтказилган I Халқаро илмий-амалий онлайн анжуман муҳим аҳамият касб этади. Унда Марказий Осиё билан бир қаторда Россия, Беларусь, Туркия халқлари маданияти ва санъати тарихи ҳамда истиқболига оид долзарб мавзулар кўтарилганини алоҳида таъкидлаш даркор.

Анжуманни Ўзбекистон давлат хореография академияси ректори Шухрат Тохтасимов очди. Шунингдек, Академиянинг "Хореография" кафедраси профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, "Дўстлик" ордени соҳибаси Ҳ.Муҳамедованинг "Ўзбекистонда миллий рақс санъатининг ривожланиши: кеча ва бугун", Беларусь давлат маданият ва

санъат университети хореография кафедраси мудир, профессор С.В.Гутковскаянинг "Бугунги кун хореография санъати: муаммо ва истиқболлар", Москва давлат хореография академияси ўқув ишлари бўйича проректори, фалсафа фанлари доктори, профессор С.М.Оленевнинг "Хореографик таълимга масофавий таълим технологияларини жорий этишнинг замонавий муаммолари", Ардаҳан университети Гўзал санъатлар факультети Турк тамал мусиқаси бўлими доктори, профессор Б.Матёкубовнинг "Форобийнинг мусиқий мероси", Қозоғистонда хизмат кўрсатган артист, санъатшунослик номзоди, Қозоғистон миллий хореография академияси профессори Т.О.Изимнинг Олий ўқув юртлирида илмий-услубий лабораторияларнинг роли, Москва давлат хореография академияси доценти, Замонавий санъат институти профессори, Россия Федерациясида хизмат кўрсатган маданият ходими, маданият соҳасида Россия ҳукумати давлат мукофоти совриндори, санъатшунослик номзоди А.А.Меланьининг Балет артисти мақомини белгилашда маҳаллий ва хорижий тажрибалар, Ўзбекистон давлат хореография академияси "Санъат назарияси ва тарихи" кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди Ҳ.Ҳамроевнинг "Ўзбек миллий рақс санъатини тарғиб этишга бағишланган веб-сайт ва мультимедиа махсулотлари тўпламини яратиш" мавзусидаги маърузалари анжуман қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Ўйлаймизки, мазкур анжуман дўстлик ва биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлайди ҳамда маданий-илмий, ижодий ҳамкорлик Янгиланаётган Ўзбекистон ривожига алоҳида саҳифа очади.



Байрам дастури

## Доим иззатдасиз, Азиз устозлар!

29 сентябрь куни Жиззах вилояти ҳокимлиги маданият бошқармаси тасарруфидаги Мирзачўл тумани 13-мусиқа ва санъат мактабида ажойиб кеча ташкиллаштирилди. "1 октябрь – ўқитувчи ва мураббийлар куни"га бағишлаб ўтказилган "Доим иззатдасиз, Азиз устозлар!" мавзусидаги байрам дастурида мактаб ўқувчилари ўз чиқишлари билан қатнашиб, барчага кўтаринки кайфият улашди.

М.ЭШҚУВВАТОВА, АКТ бўйича мутахассис

**МАДАНИЯТ** ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИС: «Dildosh media» МЧЖ, ҳамкор: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги

Бош муҳаррир Дилбаҳор Худойбердиева

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1. Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқланиши мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Ш.Исроилова

Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева

Навбатчи: Н. Содикова

Адади - 8220 Буюртма - Г - 1027

Сотувда келишилган нархда Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41. Босмахонага топшириш вақти - 22.30

Топширилди - 22.00

1 2 3 4 5 6